

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2021-1

Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года

МУНДАРИЖА БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Dadayev S., Saparov K. Organik olam va hayvonot dunyosining zamonaviy sistemasi asosda yangi o'quv adabiyotlari yaratish	6
Ro'zimov A.D., Sheraliyev B.M., Yo'ldoshev K.R., Jalolov E.B. Quyi Amudaryo havzasi ixtiofaunasining hozirgi taksonomik holati	10
Абдуллаев Э.Н., Халимов Ф.З., Ҳамзаев Р.А., Раҳимов М.Р., Усанов У.Н., Алиев Д. Зарафшон тоғ тизмасида коврак (<i>Ferula kuhistanica</i>) энтомофаунасининг тур таркиби	15
Абдурасулова С.Ш., Базарова Р.Ш. <i>Candalaria rutellum</i> нинг биологияси ва ҳаёт цикли	22
Авезова У.М., Сатторова Ф.Ю., Маткаримов Н.Б. Тупроқ таркибидаги гумус микдорининг ҳосил бўлишида ўсимликларнинг экологик аҳамияти	27
Акбаров Ф.И., Жабборов А.М., Тожибаев К.Ш. <i>Ranunculus rubrocalyx</i> Regel ex Kom. географик тарқалишини моделлаштириш ва унинг таҳлили	29
Бекчанов Х.У., Дусчанов У.Э., Комилжонова Г.К. Фауна жесткокрылых (<i>Insecta</i> , <i>Coleoptera</i>) Хорезмского оазиса	37
Ибадуллаева Ю.О., Рахматова К.И., Бозорова Г.С., Тожибоев Ш.Ж., Махкамов Т.Х. Ўзбекистон миллий гербарийси ноёб илмий объектида сақланаётган <i>Corydalis</i> Dc. туркуми турларининг таҳлили	40
Маткаримов Ф.И., Бабоев С.К. Микробиологик препаратларнинг мош (<i>Vigna radiate</i> L.) ўсимлиги махсулдорлигига таъсири	46
Рахимов М.Р. К фауне мух-журчалок (<i>Diptera</i> , <i>Syrphidae</i>) Зарафшанского хребта	49
Рашидов Н.Э., Қувватов С.Қ., Элмуродова Н.Н. Денгизқўлидаги балиқлар турини аниқлаш	54
Рўзиева И.Ж. Арзиқли ва гипсли тупроқларнинг ўрганилиш ҳолати	57
Содиқова Д.Ф., Нуралиев Х.Х., Мирзаев А.Э. Сурхон воҳасидаги дендрарий боғи	59
Хайдаров С.М., Хўжамшукуров Н.А., Абдиназаров Х.Х. <i>Daphnia magna</i> ни етиштиришда озуқа манбаи сифатида микросувўтларидан фойдаланиш	62
Халимов Ф.З. Особенности сезонной динамики почвенных хищников (<i>Coleoptera</i> : <i>Staphylinidae</i> , <i>Carabidae</i>) в агроландшафтах	65
ТАРИХ ФАНЛАРИ	
Aliev Sh. The life and heritage of Sufi Ollayor	70
Jumaeva N.A. Quyi Zarafshon vohasi dehqonchilik madaniyati tarixidan	72
Jumaniyozova S.Sh. Olim M.M. Gerasimovning ilm-fan taraqqiyotiga qo'shgan hissasi	76
Murodova D.Sh. Ta'lim muassasalari faoliyatiga doir Buxoro viloyati davlat arxivi fondlariga tavsif	78
O'tayeva F.X. Ashtarxoniy hukmdorlari boshqaruv faoliyati mustaqillik yillaridagi matbuot talqinida	80
Абдиримов Р., Собиров С. Паҳлавон Маҳмуд яшаган тарихий давр	83
Ахматов А.Ҳ. Таълим тизимида ислохотлар учун кураш	84
Бахриев О.А. “Ал-Жамий ас-Саҳих” асарининг тўлиқ номи	87
Бекимметов У. Коллективлаштириш даврида Хоразмдаги немис меннонитларининг ер эгалиги	89
Бобожонова Ф.Х. Бухоро амирлигидаги жадид мактабларининг фаолияти	92
Кличев О.А. Крим даврий матбуотида Бухоро амирлари ташрифларининг ёритилиши	96
Курбанов Б.Г. Средневековые литейные формы из Бухары	98
Қудратов Ш.Ё. Бухоро амирлигининг шарқ халқлари билан савдо алоқалари тарихидан	100
Қурбонова М.Б. Генерал-шарқшунос Н.С. Ликошин фаолиятига бир назар	103
Мансуров М. Собик Совет даврида туризмнинг ривожлантиришнинг мафкуравий асослари	106
Мансуров М.Ш. Совет иттифоқи йилларида Фарғона водийсида туризмнинг аҳволи	109
Мирзаев А.А. Совет иттифоқи йилларида Фарғона водийсида зиёрат туризмнинг ўзига хос хусусиятлари	113
Мубинов М.А. Дипломатические и посольские отношения среднеазиатских ханств с Османской империей	116
Раджабов О.А., Қаландаров Ҳ.Ҳ. Замонавий тарихшуносликда “Қатта ўйин” масаласи	119
Салаев И.Б. Хоразм архитектурасида синч усулидан фойдаланиш ва унинг аҳамияти	123
Салаев И.Б. Хоразм архитетурида кулчилик муносабатларида аёллар ўрни масаласи	127
Таджиева Ф.Дж. Хива хонлигида кулчилик муносабатларида аёллар ўрни масаласи	129
Тўраев А.И. Ўғуз қабила ва уруғларининг туркман халқини шаклланишидаги ўрни	129

(*Daucus carota* L.) и борщевика Лемана (*Heracleum lehmannianum* Bunge). На цветах этих растений мы выловили соответственно 13 и 11 видов мух-журчалок.

Наименьшее количество видов сирфид отмечено в семействе маковые (Papaveraceae), лишь несколько раз мы наблюдали посещение одного вида сирфид (*Eupeodes corolla*) мака павлинного (*Papaver pavonium* L.). Среди кустарников сирфидов можно часто встретить на цветах у хультемии персидской (*Hultemia persica* Bornm) и у разных видов шиповника, особенно, у розы кокандской (*Rosa kokanica* Regel).

Различные виды мух-журчалок имеют разный спектр пищевых растений. Наиболее многочисленные виды (*Eristalis tenax*, *E. arbustorum*, *Sphaerophoria scripta*, *Paragus tibialis*) встречаются в цветах практически во всех изученных растений, тогда как *Cheilosia grossa* нами была выловлена только на веронике полевом (*Veronica arvensis* L.).

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Виолович Н.А. Сирфиды Сибири (Diptera, Syrphidae). Новосибирск: Наука, 1983. с 15.
2. Виолович Н.А. Краткий обзор палеарктических видов рода *Ceriana Rafinesque*, 1815 (Diptera, Syrphidae). // Известия Сибирского отделения АН СССР. Сер. биол. Наук. 1974. № 5 вып. 1. с 81-88
3. Виолович Н.А. Краткий обзор палеарктических видов рода *Xanthogramma Schiner* (Diptera, Syrphidae). // Таксономия и экология животных Сибири. // Новосибирск, 1975. с 90-102
4. Даминова Д.Б. К познанию фауны мух сирфид Узбекистана. // Экология беспозвоночных и позвоночных животных Узбекистана. // Ташкент: Издательство «Фан» 1978. С. 88-91.
5. Даминова Д.Б. Мухи-сирфиды Нуратинского заповедника. Труды заповедников Узбекистана 1997, Ташкент, вып. 2. С. 30-36
6. Даминова Д.Б. Мухи сем. Syrphidae (Diptera) Западного Тянь-Шаня // Труды Чаткальского биосферного государственного заповедника. Ташкент, 2004. вып. 5. С. 164-173
7. Даминова Д.Б. Фауна мух сем. Syrphidae (Diptera) равнинных территорий Узбекистана // Вестник Каракалпакского Государственного университета им. Бердаха //2014 № 4 (25) С. 17-20.
8. Мутин В.А., Баркалов А.В. Сем. Syrphidae журчалки // В кн.: Определитель насекомых Дальнего Востока России. Двукрылые и Блохи. 6.1, 1999.-С. 342-500.
9. Тожобаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Кодиров У.Х. и др.. Кадастр флоры Узбекистана. Самаркандская область. – Ташкент: Издательство «Фан» АН РУз., 2018. с 18.
10. Штакельберг А.А. Новые Syrphidae (Diptera) Палеарктической фауны. Труды Зоологического института. Л. 1952. № 12: с 350-400
11. Штакельберг А.А. Краткий обзор палеарктических видов рода *Eumerus* Mg. (Diptera, Syrphidae) // Труды ВЭО, Т.158, 1961, С.181-229.
12. Paramonov S.J. Dipterologische fragmente. // Travaux du musee zoologique. № 2. Kiev 1927 p. 73-81.
13. Peck L.V. Syrphidae. – In: Soós, Á.; Papp, L. (eds.), Catalogue of Palaearctic Diptera, Vol. 8., Budapest 1988 p. 11-230
14. Speight, M.C.D. (2003) Species accounts of European Syrphidae (Diptera): special commemorative issue, Second International Workshop on the Syrphidae, Alicante, June 2003.
15. Violovitsh N.A. New Palearctic species of hover flies of the genus *Chrysotoxum* Mg. (Diptera, Syrphidae) //Entomological review// 1973. 52(4) p. 596-602

УЎК:597.42/55+591.9

ДЕНГИЗКЎЛИДАГИ БАЛИҚЛАР ТУРИНИ АНИҚЛАШ Н.Э.Рашидов, б.ф.н., доц., Бухоро давлат университети, Бухоро С.Қ.Кувватов, магистр, Бухоро давлат университети, Бухоро Н.Н.Элмуродова, талаба, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада балиқлар тўғрисидаги илк асарларни ёзилиши, ҳозирги вақтда олимларимиз томонидан балиқларни ўрганишидаги изланишлари ва Денгизкўлдаги 14 хил балиқ турларини ўрганилганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: ихтиология, систематика, фауна, экспедиция, дельта

Аннотация. В статье приведены данные о издании первоисточников исследований, исследования рыб учёными настоящего времени и данные изучения 14 видов рыб озера Денгизкуль.

Ключевые слова: ихтиология, систематика, фауна, экспедиция, дельта

Abstract. This state has illustrated researches which our scholars have been researching sepias of fish and have been informed 14 specias of fish in Dengizkul.

Key words: Ixtiology, sustematics, fauna, expedition, delta

Балиқлар тўғрисидаги илк асар милoddан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида Хитойда нашр қилинган. Шунингдек, балиқларга оид энг қадимги маълумотлар милoddан аввалги VI-асрда Ҳинд олимлари, асосан Суфра асарларида кўрсатиб ўтилган. Ихтиологияга оид илк маълумотлар Аристотель асарларида ҳам кўп учрайди. Аристотель “Ҳайвонлар тарихи” асарида балиқларни алоҳида

систематик гуруҳларга ажратади; уларнинг тузилиши, ривожланиши ва ҳаёт кечириш хусусиятларини кўрсатиб беради. Аристотелдан кейин бу соҳадаги илмий маълумотлар фақат XII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кўпая бошлаган. IV-V аср давомида денгиз ва чучук сув балиқлари фаунаси тўғрисида жуда кўп материаллар тўпланди (Француз-П.Белон ва Г.Ронделе; Италия-И.Сальвини; Швед-П.Артели, К.Линней, Немис- М.Блох, И.Мюллер, Америка-Г.Буланже, У.Риген, Ж.Нормен, С.П.Крашеников. П.С.Паллас, Гюльденштедт ва бошқалар).


XIX асрда рус олимлари К.М.Бер ва Н.Данилевский Каспий, Қора денгиз ва Шимолий денгизларда балиқчиликни тадқиқ қилишди. XIX аср охири ва XX аср бошларида Немис олими Ф.Хейнке сельд балиғини, даниялик олим К.Петерсон треска ва камбалани, норвегиялик олим Ю.Ёрт сельд ва тресканинг овланиш масалаларини илмий жиҳатдан асослаб беришди. Россияда бу даврда балиқларни ўрганишга Н.М.Книновичнинг Мурманск, Каспий, Қора денгиз экспедицияларининг аҳамияти катта бўлди. Ихтиологиянинг ривожланишига Л.С.Берг (балиқлар систематикаси, тарқалиши, палеонтологияси), А.Н.Северцов (балиқлар анатомияси), К.Суворов (овланадиган балиқлар) ва бошқалар катта ҳисса қўшишди. Ҳозир ихтиология соҳасида кенг миқёсдаги илмий тадқиқотлар дунёнинг кўпчилиги мамлакатларида, жумладан Япония, АҚШ, Канада, Англия, Франция, Россия, Норвегия, Швеция, Дания, Ҳиндистон, Австрия, Исландия ва Ўрта Осиёда олиб борилмоқда. Ўзбекистон балиқлари тўғрисидаги материаллар немис олими С.М.Герсенштейн асарларида ҳам учрайди. Амударё куйи қисмида XIX асрнинг иккинчи ярмида Хиванинг Россияга қўшилиши билан ихтиологик изланишлар бошланган эди. 1874 йилда Амударё ва Орол денгизиде Арало-Каспий экспедицияси иш бошланган эди, унда Петербург табиат изланувчилар жамоаси иштирик этган. Уларнинг орасида В.Д.Аленсин, М.Н.Богданов, К.Ф.Кесслер маълумотларни тўплаганлар. Олинган натижаларга кўра Орол денгизи ва Амударёда 38 та балиқ тури аниқланган (Кесслер 1877). М.Н.Богданов (1882) Хива воҳасининг сув омборларида балиқларнинг 18 турини аниқлаган. 1886 йилда А.М.Никольский Орол денгизи бассейнини ўрганиб чиққан, унда у Тўртқўлдан Амударё бўйлаб унинг дельтасини ўрганган. 1899-1903 йилда С.М.Берг Орол денгизи, Сирдарё, Балқаш ва Иссыккўл балиқларини текшириб “Ўзбекистон балиқлари монографияси” номли китоби нашр қилинди. 1886-1906 йилларда Л.С.Берг Оролни ҳамма томонини ўрганиб чиққан. 1908 йилда у барча тўплаган маълумотларни умумлаштирган. 1920 йилда эса у Амударё балиқларининг 20 турини ўрганиб чиққан. Шунингдек 1920 йилда Орол илмий экспедицияси ташкиллаштирилди ва Орол денгизининг ихтиологиясини ўрганганлар. Кейин ҳар йили улар 2 та гуруҳга бўлиниб, Оролга қуйиладиган дарёларнинг дельталарида иш олиб борганлар. Д.П.Филотов жанубий қисмини, шимолий қисмини эса С.Н.Дуплаков (1926-1927) бошқарганлар. 1931 йилда Орол балиқ хўжалик станцияси очик денгиз изланишлари бўйича иш бошлаган эдилар, бунда балиқларнинг тарқалишига катта эътибор берилди. М.И.Маркун томонидан Орол денгизининг ғарбий қирғоқи ўрганилган. 1935 йилда Никольский (1940), Н.А.Гладков (1935) Амударё дельтасидаги асосий ёш ва вояга етган балиқларни ўрганганлар. Г.В.Никольскийнинг 1938 йилда “Тожикистон балиқлари” номли китоби нашр қилинди. 1940 йилда “Орол денгизи балиқлари”, “Ўрта Осиё фаунаси ва флораси” номли китоблари нашр қилинди.

1961 йилгача республика балиқ хўжалиги Орол денгизиде балиқ тутишга асосланган эди ва шу йиллари балиқчилик йилига ўртача 25 минг тонна балиқ тутишган. 1960 йиллардан бошлаб кенг миқёсдаги ирригацион қурилишлар асорати – Орол денгизини ҳам четлаб ўтмади, дарё оқимининг тўсилиши натижасида денгизга келиб тушадиган сув миқдори унинг сатҳидан бугланаётган сув миқдоридан камлиги сабабли у тезлик билан қурий бошлади ва унинг суви шўрланиб, ўзининг балиқчилик аҳамиятини йўқота бошлади [2.-С.34-65; 3.-Р.47-72;].

Балиқ тўла қимматли, оксилга бой озуқа объекти ҳисобланади. Балиқ инсон рациониде гипротейн миқдорини 20% балиқ ташкил қилади. Дунё миқёсида йил мобайнида истеъмол қилинадиган балиқ миқдори 18,6 кг ни ташкил қилади.

Балиқ етказиб берувчи соҳа балиқ овлаш корхоналаридир, лекин бунинг улуши 2018 йилга келиб 57% га қискарди. Бунинг асосий сабаби қуйидаги омиллар: ўта балиқ овлаш муносабати билан кўпчилик балиқ турлари камайиб кетди. Бу эса табиий кўлами қашшоқлашишига олиб келди. Балиқчилик соҳаси Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ривожланишини асосий потенциали ҳисобланади.

Балиқчиликни ривожлантиришда Республикада шу жумладан Бухоро вилоятида ҳам имкониятлар катта. Бухоро воҳасида 110 минг гектар табиий сувлик мавжуд бўлиб, ушбу майдонда 17 та МЧЖ балиқчилик хўжаликлари ташкил қилинган. Балиқ маҳсулдорлиги 1,0-1,5 т/га ни ташкил қилади. Тиббиёт ходимларининг таклифига кўра Ўзбекистонда балиқ истеъмол қилиш йил давомида 12 кг қилиб белгиланган, бу эса суткасига 0,033 кг ни ташкил қилади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда балиқ маҳсулдорлигини ошириш йўлида бир қанча ишлар олиб борилмоқда.



1-расм. Денгизкўлдан намуналар олинмоқда

Денгизкўл-Бухоро вилояти Олот туманида жойлашган кўл бўлиб, ўрта асрларда «Боргини фарох», яъни «Катта кўл» деб юритилган. X асрда ёзилган ёзма манбаларида Денгизкўл «Қорақўл», «Бухайрайи Сомжан» («Сомжан кўли») номлари билан аталган. X асрда араб географи Ибн Ҳавқал томонидан чизилган Ўрта Осиё харитасида «Баҳр ул-Бухоро» («Бухоро денгизи») номи билан кўрсатилган. Муҳаммад Наршахий X асрда бу кўл ҳақида «кенглиги йигирма фарсах (140—160 км) бўлиб, Бухоро дарёсининг ортиқча суви шу кўлга йиғилган, унда сув жониворлари кўп, бутун Хуросонда бу ердагидек миқдорда қуш ва балиқ тутилган эмас», деб ёзган.

1-жадвал

Денгизкўлида овланадиган балиқ турлари

№	Балиқ турлари	Сувликлар							
		Тўдакўл сув омбори	Куймозор сув омбори	Шўркўл сув омбори	Денгизкўл	Тузкон	Оитма	Девхона	Қорақир
1	Шип – <i>Aspenser nudirsentris</i> (Lov)	+	+	+	+	+	-	-	-
2	Амударё катта куракбуруни - <i>Pseudoscaphirychus Kaufman</i> (Bogd)	+	+	+	+	+	-	-	-
3	Орол қизил кўзи - <i>Rutilus rutilus aralensis</i> (Berg)	+	+	+	+	+	+	+	+
4	Чўртансимон окқайроқ – <i>Aspiolucus esocinus</i> (Kess)	+	+	+	-	-	+	-	+
5	Орол окқайроғи – <i>Aspius aspius iblioides</i> (Kess)	+	+	-	+	-	-	+	-
6	Самарқанд храмуласи – <i>Varicorhinus heratensis steindachnere</i> (Kess)	+	+	+	-	-	-	-	-
7	Туркистон мўйловдори – <i>Barbus copito conceptus</i>	+	+	+	+	+	+	+	+
8	Орол мойбалиғи – <i>chalcaburnus chalcoides aralensis</i> (Berg)	+	+	+	+	+	+	+	+
9	Зоғора – <i>Cyprinus carpio</i> (Linne)	+	+	+	+	+	+	+	+
10	Кумуш товон балиқ – <i>Carassius auratus gibelio</i> (Bloch)	+	+	+	+	+	+	+	+
11	Оддий лакқа – <i>Silurus glanus</i> (Linne)	+	+	+	+	+	+	+	+
12	Оқ сла – <i>Lucioperca lucioperca</i> (Linne)	+	+	+	+	+	+	+	+
13	Оқ амур – <i>Ctenopharigo-don idella</i> (Val)	+	+	+	+	+	+	-	-
14	Чехон – <i>Pelecus culturatus</i> (Linne)	+	+	+	-	-	-	-	-
15	Шарқ очқаси – <i>Abramis brama orientalis</i> (Berg)	+	+	+	+	+	+	+	-
16	Оқ дўнгпешона – <i>Hypochthelmichtys molitrix</i> (Valen)	+	+	+	+	-	-	-	-
17	Чипор дўнгпешона – <i>Aristycthis nobilis</i> (Rich)	+	+	+	-	-	-	-	-
18	Илонбалиқ – <i>channa argus usaropchouskii</i>	+	+	+	+	+	-	-	-
	Жами	18	18	16	14	12	10	9	7

Кўл вилоятнинг жанубий чеккасидаги (Зарафшон дарёсининг куйи оқимида) тектоник ботикда, денгиз сатҳидан 181,5 м баландда жойлашган. Денгизкўлга бир қанча коллектор-зовурдан келадиган ташлама сув ва экин майдонларини суғориш натижасида ҳосил бўлган сизот суви келиб қуйилади. Зарафшон дарёсининг асосий тармоғи — Тойқир ҳам тўлинсув даврида кўлгача етиб боради. Денгизкўлдан сув оқиб чикмайди, сарфланиш асосан буғланиш ва қисман шимилиш ҳисобига кечеди. 60- ва 70-йилларнинг бошларида Денгизкўлнинг майдони ва чуқурлиги тез-тез ўзгариб турган: сув кўп қуйилган даврларда кўлнинг майдони 80—100 км², чуқурлиги 1,0—1,5 м, ёз охирида эса тегишлича — 40-60 км² ва 25-30 см бўлган. 70-80-йилларда Бухоро вилоятининг жанубида янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва оқова сувлар миқдорининг ортиши натижасида Денгизкўл йилдан-йилга катталаша

борди. 1980-йилларнинг охири (1987) да узунлиги 43,3 км, энг кенг жойи — 9 км, энг чуқур жойи 22 м, сув юзаси майдони 267 км², сув ҳажми — 2,7 км³ бўлган (1-расм). Бу қийматлар сув сатҳи тебранишига мос равишда йил давомида ўзгариб туради: кузда буғланиш камайгач, сув мувозанати турғунлашади, сўнг сув сатҳи яна орта боради. Денгизкўл коллектор зовур сувлари ҳисобига тўйинади. Ёзда буғланиш анча кучли. Денгизкўлда шамол таъсирида тўлқинлар кузатилади. Сувни жуда шўр, кўлнинг туби айрим жойларда 0,5 м гача қалинликда ош тузи билан қопланган.

Бизнинг ўрганишларимиз бўйича Денгизкўлида 14 турдаги балиқлар учраши аниқланди. Бу эса 40% ни ташкил қилди (1-жадвал).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Камиллов Г.К. Определитель рыб Узбекистана. Ташкент, Ёш гвардия, 1964, 64 с.
2. Никольский Г.В. Рыбы Аральского моря. - М: Москов. Общ-во Испытателей Природы, 1886. - 216 с.
3. Мирабдуллаев И.М, Мирзаев У.Т., Кузметов А.Р. Ўзбекистон ва кўшни худудлар балиқлари аниқлагичи. Тошкент. "Саноатстандарт", 2011, 7-12-бет.

УЎТ: 631.481

АРЗИҚЛИ ВА ГИПСЛИ ТУПРОҚЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШ ҲОЛАТИ

И.Ж. Рўзиева, PhD, катта ўқитувчи, Денов тадбиркорлик ва педагогика институти, Денов

Аннотация. Ушбу мақолада кейинги вақтда ўрганган олимларнинг илмий маълумотлари келтирилган бўлиб, бунда Фарғона вилояти чўл зонасида тарқалган арзиқли ва гипсли тупроқларнинг келиб чиқиши, тарқалиши, кимёвий ва сув-физикавий хоссалари ҳамда гипслашганлик даражаси ва гипсли горизонтларнинг тупроқ профилида жойлашиши чуқурлиги, асосий хоссалари, механик таркиби, гумус, озиқа элементлар, мазкур тупроқлар синдириши сизими ва синдирилган катионлар таркиби ҳамда сувда осон эрувчи тузлар тўғрисида маълумотлар берилган.

Калим сўзлар: Фарғона водийси, арзиқли ва гипсли тупроқларни келиб чиқиши, тарқалиши, тупроқлар генезиси, морфологияси, мелиоратив ҳолати, айрим хосса-хусусиятлари

Аннотация. Статья основана на последних научных данных о происхождении, распространении, химических и гидрофизических свойствах арзычных и гипсовых почв пустынной зоны Ферганской области, а также о степени гипсовости и глубины залегания, основных свойствах, механических свойствах, состав гипсовых горизонтов в почвенном профиле, гумус, питательные вещества, абсорбционная способность этих почв и состав поглощенных катионов, а также легко растворимые в воде соли.

Ключевые слова: происхождение, распространение, генезис, морфология, мелиоративный статус, некоторые свойства плодородных и гипсовых почв Ферганской долины

Abstract. This article is based on recent scientific data on the origin, distribution, chemical and hydro-physical properties of gypsum and gypsum soils in the desert zone of Fergana region, as well as the degree of gypsum and the depth, basic properties, mechanical composition of gypsum horizons in the soil profile, humus, nutrients, the absorption capacity of these soils and the composition of the absorbed cations, as well as easily soluble salts in water.

Key words: Scientists who studied the origin, distribution, genesis, morphology, reclamation status, some properties of fertile and gypsum soils of the Fergana Valley

Республикаимизда суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларида арзиқли ва гипслашган тупроқлар генезиси, географик тарқалиш қонуниятларини аниқлаш, уларнинг унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш, ошириш ва бошқариш мақсадида тупроқларнинг агрокимёвий, агрофизикавий хоссаларини, тупроқ-мелиоратив шароитлари ва ишлаб чиқариш қобилятини яхшилаш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш» [2] бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам бугунги кунда унумсиз, кийин мелиорацияланувчи арзиқли ва гипслашган тупроқларнинг хосса-хусусиятларини аниқлаш, мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, унумдорлигини қайта тиклашга қаратилган замонавий агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Фарғона вилояти тупроқларини кейинчалик кимёвий, сув-физикавий хоссалари, шўрланиш-шўрсизланиш жараёнлари П.Н.Беседин, Ш.К.Шадманов, Ғ.Ю.Юлдашев, К.М.Мирзаканов, Х.С.Таджибоев ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, мукаммаллашган тупроқ ва тупроқ мелиоратив хариталари тузилган, янги ерларни ўзлаштириш ва мелиорациялаш ҳамда суғориладиган тупроқлар унумдорлигини ошириш усуллари ишлаб чиқилган.